

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАДИИЙ БЕЗАК ИШЛАРИ
фанидан ўқув услубий мажмуа

Гулистон – 2007

Р.З. Хайров. Бадий безак ишлари
– Гулистон, 2007.– 21 б.

«Бадий безак ишлари» мавзусида тайёрланган Ушбу ўқув-услубий мажмуа таълим тизимида фанларни ўқитиш методикасига оид замонавий муаммоларни ечишга бағишланган бўлиб, бунда таълимга замонавий педагогик технологияларни жорий этиш борасида муаллифлар томонидан олиб борилган махсус курс ва малака ошириш курсларидаги тажрибалар, университет билан академик лицейлар орасидаги илмий методик ҳамкорлик асосида ўтказилган тадқиқотлари мужассамлашган.

Ўқув-услубий мажмуада Гулистон Давлат Университети ўқув-услубий кенгаши томонидан (2-баённома 26.10.2007.) нашрга тавсия қилинди.

Масъул муҳаррир: доц. П. Холматов (ГулДУ)

Такризчилар: доц. Р. Эргашев

Қори Ниёзий номидаги

ЎзПФИТИ доценти А.Сулаймонов

Р.З.Хайров. Работы по художественному оформлению. –Гулистан, 2007. –21 с.

В учебном-методическом комплексе «Работы по художественному оформлению» освещается решение современных проблем по методике преподавания предметов в системе образования, эксперименты, по внедрению проведенные автором на курсах повышения квалификации, спец курсах современной педагогической технологии в образовании, исследования на основе научно-методического сотрудничества между университетом и академическим лицеем.

R.Z. Khayrov. History of Art.

-Gulistan. 2007. 21-p.

The solution of modern problems of methods of lecturing courses in the educational system, experiments made by the authors at the skill improvement courses introducing modern pedagogical technologies in education, investigation on the base of scientific and methodical collaboration between the University and Academic lyceum are given in the manual «History of art»

© Университет

Сўзбоши

«Бадий безак ишлари» фани асосий ўқув предметларидан биридир. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ушбу тасвирий санъат безаклари ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтиради, уларни, тенглик, озодлик, биродарлик, ёрқин келажакка интилишга даъват этади.

Ҳозирги замон тасвирий санъат ўқитувчиси ҳар томонлама билимли, қобилиятли ўқитишнинг назарий асослари ва таълим принципларини ўзлаштириши, ўқув ишларининг асосий усулларини билиши ва уни иш тажрибасида татбиқ қила олиш қўникмаларига эга бўлиши лозим. Ушбу ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тизимида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилди.

Ўқув-услубий мажмуанинг асосий мақсади талабаларнинг мустақил, фаол ва ижодий билим эгаллашлари ва амалиётга татбиқ этишларини таъминлашдан иборат.

Ўқув-услубий мажмуа талабалар учун тасвирий санъат бўйича бадий безакда керак бўлган барча маълумотларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўқув-услубий мажмуа ўз таркибига маъруза матнлари, амалий, мустақил иш топшириқлари, назорат саволлари ҳамда ечимини кутаётган илмий муаммолар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини олиб, фаннинг асосий мазмуни бўйича замонавий педагогик технология тизими сифатида лойиҳалаштирилган.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа кундузги бўлим талабалари учун мўлжалланган бўлиб, «Бадий безак ишлари» фанини ўзлаштиришда талабаларга услубий ёрдам вазифасини бажаради.

«Бадий безак ишлари» фанидан яратилган ўқув-услубий мажмуа 3-босқич V семестр учун 8 маъруза 42 соат амалий машғулотлар тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишидаги талабаларга мўлжалланган.

**«Бадий безак ишлари» курсининг мақсад
ва вазифалари**

1.1. КУРСНИНГ МАҚСАДИ:

- бадий безак ишларини ташкил қилиш, унинг мазмуни, безаш усуллари, уларга қуйиладиган талаблар билан таништириш;

- бадий безаш ишларида ишлатиладиган бўёқлар, асбоб ускуналар ва уларни ишга тайёрлаш;

бадий безаш ишларида фойдаланиладиган ҳарфларнинг оддий шакл тузилиши қоидаларидан бошлаб, мураккаб ёзувли (шрифтли) плакат композицияларини ўргатиш;

кичик ҳажмдаги амалий безак санъати буюмлари ҳақида тушунча бериш;

-интерьер ва экстерьерни бадий безаш, ҳамда, педагогик кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, уларда бадий-педагогик маданиятни шакллантиришдан иборатдир.

1.2.КУРСНИНГ ВАЗИФАСИ: талабаларга тасвирий санъатда бадий безак ишларини ташкил этиш, бизнинг замонамизда бадий безак санъатнинг тараққиёти ҳақида билимлар бериш, тасвирий санъат асарларининг кишилиқ жамиятида тутган ўрни, инсон камолотида унинг аҳамияти ҳақида маълумот бериш, уларни бадий-педагогик кўникмалар билан қуроллантириш.

1.3.КУРСНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ: тасвирий санъат тарихи курси рангтасвир, қаламтасвир, композиция, ҳайкалтарошлиқ, чизмачилиқ, амалий санъат, тасвирий санъат ўқитиш методикаси, тарих, маданиятшунослиқ, педагогика ва бошқа тасвирий санъат фанлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Фаннинг мазмуни.

Бадий безак ишлари ҳақида тушунча беради, қадимги давр тасвирий санъатидан то ҳозирги замонавий тасвирий санъатини ўрганиш, буюк жаҳон ва ўзбек рассомлари ва ҳайкалтарошларининг ҳаёти ва ижодини ўрганишни, тасвирий санъат мактаблари, йўналишлари ва санъат музейлари ҳақида ахборот беришни ўз ичига олади.

Бадий безак ишларини ўрганиш талабаларни маънавий етук, билимли, комил инсон қилиб вояга етказишда, уларда бадий маданиятни шакллантириш мақсадида манба бўлиб хизмат қилади.

**«Бадий безак ишлари» курсининг мазмуни
Маърузалар мавзуси, уларда кўриладиган масалалар**

№	Мавзулар	Кўриладиган масалалар	соат
1	Мактабдаги бадий безаш ишларини мақсад ва вазифалари	«Бадий безак санъати» фанининг мақсад ва вазифалари. Тасвирий санъат ўқитувчисининг бадий безак ишларини ташкил қилишдаги тутган ўрни. Бадий безак ишларининг таълим – тарбия ишларига таъсири. Бадий безак ишларининг турлари. (Кундалиқ, махсус ва	4

		байрам безаклари).	
		Уларнинг безашга қўйиладиган психологик, педагогик, эстетик ва бошқа талаблар. Бадиий безаш ишларида композиция масалалари.	
2	Мактабдаги бадиий безаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш	Бадиий безаш ишларини ташкил қилиш. Ишни режалаштириш. Иш куроллари, материаллар, уларни ишга тайёрлаш ва улар билан ишлаш усуллари.	4
		Жами:	8

**Тасвирий санъат тарихи курси бўйича амалий машғулотлар
мазмунини ва унда қўриладиган масалалар**

№	Мавзулар	Қўриладиган масалалар	соат
1.	Шрифт	Бадиий безаш ишларида ёзув – шрифтлар. Дастлабки ёзувларнинг келиб чиқиш тарихи, лотин, араб, рус ёзувларининг қисқа тарихи. Шрифт турлари ва уларни таҳлил қилиш. Бадиий безаш ишларининг ғоявий – бадиий мазмунини очишда шрифтнинг тутган ўрни. Бадиий безак ишларида қўлланиладиган шрифтлар. Шрифтларни қўришнинг (ёзишининг) асосий қонун ва қоидалари. Турли хил ёзув композициялари тузиш қонун - қоидалари.	8
2.	Мустақил равишда байрамларга бадиий кечаларга таклифномалар ёзиш	Тантанали кеча ёки учрашувлар, миллий байрамга, спорт мусобақасига таклифнома, табрик варақаси, турли кўрсаткичлар лавҳалар ва хоказоларни бажариш.	6
3.	Бадиий безаш ишларида декоратив амалий санъат элементлари	Амалий безак санъати турлари ва уларнинг ўзига хослиги замонавий безак санъати. Уларнинг бадиий безаш ишларида қўллаш имкониятлари, рангдаги ечими, атроф муҳит билан боғлиқлиги. Ўйинчоқ ёки эсталик (ёдгорлик) совға туркумидаги ҳажмли буюмлар композицияси эскизи ва макетини ишлаш.	8
4.	Мустақил равишда мозайка бажариш	Рамзий белгилар, символлар, пиктограмма, визуал коммуникация белгилари. Эмблемалар.	4
5.	Интерьерда бадиий безак ишлари	Фронтал ва ҳажмли композицияни лойиҳалашнинг ўзига хос қонуниятлари, хоналарнинг жиҳозлари. Бадиий безашда атроф муҳитни ва ёш хусусиятларини	6

		ҳисобга олиш.	
6	Мустақил равишда синф инътеръерини безаш	Замонавий мактаб, коллеж, лицей лойҳалари ва мослашмаган бинолар. Хоналарнинг тақсимланиши, уларнинг вазифалари. Тарбия муассасалари биноларининг ғоявий эстетик безатилиши деворга ёки мактаб, боғча, болалар оромгоҳларига киравиришига ўрнатиладиган панно эскизини ишлаш.	6
7	График ишлар	График ишни режалаштириш. Иш қуроллари, материаллар, уларни ишга тайёрлаш ва улар билан ишлаш усуллари.	4
		Жами:	42

Мустақил иш топшириқлари

№	Мавзулар номи
1	Шрифт ёзуви ишлари
2	Таклифномалар ёзиш
3	Мозайка бажариш
4	График ишлар
5	Байрам мавзуларида плакат ишлаш

«Бадий безак санъати» курси бўйича рейтинг ишланмаси

№	Назорат турлари	Сони	Ажратилган балл	Жами
	<i>ЖБ</i>			
1.1	Амалий машғулотларни бажариш	4	5	20
1.2	Мустақил ишларини қабул қилиш	8	3	24
1.3	Уй вазифаси	11	1	11
				55
	<i>ОБ</i>			
2.1	Ёзма иш (5 та савол)	2	10	20
	Реферат	2	5	10
				30
	<i>ЯБ</i>			
3.1	Ёзма иш (5 та савол)	1	15	15
				15
Жами:				100

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	<i>Аъло</i>	Бадий безак санъати материаллари бутун тафсилотларини билиш ва тушуниш, (асар мазмуни, ғояси яратилиши ва муаллифлари ҳақ. маълумот) мазмунини изчил баён этиш.
71-85	<i>Яхши</i>	Ўқув материалларини билиш, ЗПТ элементларидан фойдалана олиш, мустақил ишни бажариш.
55-70	<i>Қониқарли</i>	Ўқув материалларини билиш, уни хатосиз ёзма ва оғзаки баён

		этиш. Ҳамма берилган топшириқларни ўртача бажариш.
0-54	Қониқарсиз	Ўқув материалларини билмаслиги, савол ва топшириқларга жавоб бера олмаслиги.

«Бадий безак ишлари» курсидан баҳолаш мезони

- 1.1. ЖБ бўйича амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларини тўлиқ бажарган талабага 1 балл берилади, агар тўла бўлмаса 0,5-0,7 балл берилади.
- 1.2. Мустақил иш топшириқларини тўла бажарган талабага 2 балл, тўла бажармаган талабага бажарилганлиги, иш ҳажмига нисбатан ва сифатига 1-1,5 балл берилади.
- 1.3. Уйга берилган топшириқнинг бажарилиши, ҳажми ва сифатига қараб 1 дан 3 баллгача бериш мумкин.
- 2.1. Оралиқ баҳолаш ёзма ёки оғзаки ўтказилиб, ундан 5 та саволга жавоб бериш сўралади. Ҳар бир савол 2 баллгача баҳоланади.
- 2.2. Талабанинг мустақил иши тасвирий санъат тарихи курсига бағишланган бўлиб, берилган мавзу бўйича реферат тайёрланади:
 - рефератда мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва амалий таклифлари бўлса – 9-10 балл;
 - мавзу моҳияти очилган бўлса, хулосаси бор – 6-8 балл;
 - мавзу моҳияти ёритилган, камчилиги бўлса – 5 балл берилади.
- 2.3. Якуний баҳолашда талаба 5 та саволга ёзма ва 25 та тест саволига жавоб бериши лозим.
 - Ҳар бир ёзма саволга 2 балл ажратилади.
 - Агар савол моҳияти тўлиқ очилган бўлиб, танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса – 1,8-2 балл.
 - Саволнинг моҳияти очилган, асосий фактлар тўғри баён қилинган бўлса – 1,4-1,7 балл.
 - Саволга жавоб берилган, камчиликлари бор бўлса – 1,0-1,3 балл берилади.
 - Тест саволи ҳар бири 0,2 баллик тизимида баҳоланади.

Тасдиқлайман»
Кафедра мудири _____ доц. П.Холматов
«28» август 2007 йил

№	Мавзу номи	Ажратилган соат			Бажарилганлиги хақида маълумот		Укитувчи имзоси
		Маъруза	Амалий	Мус. Таълим	Ой ва кун	Соатлар сони	
1	Мактаб безак ишларининг мақсад ва вазифалари	4					
2	Мактабда бадий безак ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш	4					

--	--	--	--	--	--	--	--

Тузувчи: ўқит. Хайров Р.З.

Мавзу №1. МАКТАБДАГИ БАДИЙ БЕЗАШ ИШЛАРИНИНГ МАҚСАДИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАСИ

Ажратилган соат – 4 соат

Машгулот тури - маъруза

Асосий масалалар

1. Мактабдаги бадий безаш ишларининг мақсади ва вазифалари.
2. Мактабдаги бадий безаш ишларида композициянинг роли.
3. Мактабдаги бадий безаш ишларида шрифт.

Таянч тушунча ва иборалар: мактабда бадий безаш ишларининг мақсади, бадий безак композицияси, шрифт

Идентив ўқув мақсадлар.

- 1.1. Мактабдаги бадий безаш ишларининг мақсад ва вазифалари.
- 1.2. Мактабдаги бадий безаш ишларида композициянинг роли ҳақида изоҳлаб берадилар.
- 1.3. Композиция ҳақида таърифлаб берадилар
- 1.4. Мактабдаги бадий безаш ишларида шрифтни аҳамияти ва ўрни ҳақида айтиб берадилар.
- 1.5. Шрифт ёзиш ва унинг турлари ҳақида ажратиб кўрсатадилар.

1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади.

Мактабдаги бадий безаш ишларининг мақсад ва вазифаларини бадий безаш рангининг роли ҳақида шрифтлар композицияси ҳақида тушунча ва билимлар ҳосил қилиш.

1-асосий масаланинг баёни

Инсон учун зарур билимлар миқёси тобора кенгайиб бораётгани ҳозирги шароитда муайян фактлар йигиндисини ўзлаштириш билан чекланиб бўлмайди. Шунинг учун ўқувчиларга ўз билимларини мустақил равишда тўлдириб ва бойитиб боришни, ўзининг диққат эътиборини илмий ва сиёсий ахборотларнинг энг муҳимларига қаратишини ўргатиш керак. Бу вазифа ўқувчиларнинг мактабдаги бадий безаш ишларини таълим-тарбия жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда кенгайтириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Маълумки, декоратив санъатнинг кўп турлари меҳнат билан омухта бўлиб кетади ва шунинг учун ўқувчиларда ишга ижодий муносабатни таркиб топтиради, уларни маънавий жиҳатдан бойитади. Ўқувчи кунининг анча қисмини мактабда ўтказади. Мактабдаги бутун муҳит уни гўзаллик қонуниятлари асосида яшашга, ҳаётдаги ранг-баранг ҳолатларни кўра билишга ўргатиш керак. Ўқувчи мактаб биносига, унинг ёнидаги участкага ўйин ҳамда спорт майдончаларига қараб, улардаги гўзалликни ҳис этиши умуман мактабнинг кифоаси унда ўзи билим оладиган муҳит ҳақида ижобий тасаввур ҳосил қилиши лозим. Бунда пухта ўйлаб чиройли қилиб безатилган ва алоҳида эътибор билан қараб туриладиган табиат бурчаги, дид билан ишлов берилган йўлка ва гулзорлар, мактаб ховлисига кираверишдаги тахта, меҳнат, ҳарбий жасорат каби тасвирлар катта ёрдам беради. Мана шуларнинг ҳаммасида мазкур мактабга ҳос бадий безаш услуби кўзга яққол ташланиб туриши шарт. Декоратив санъатнинг мактаб биносини безатишга хизмат қиладиган асосий йўналишлари—ўқув хоналарини спорт ва мажлис залларини, коридорларни безаш, кўрғазмалар ташкил этиш, мактаб, театр учун декорациялар ишлаш, декоратив-амалий санъат буюмлари ясаш, плакатлар чизиш, турли ахборот воситаларини тайёрлаш ва ҳокозолардан иборатдир.

Мактабга кираверишда унга номи берилган шахснинг бюсти ёки портрети, дарс жавдвали, ўқувчиларнинг ижодий ишларидан наъмуналар кўзга ташланиб туриши керак. Имкони бўлса, меҳнатда ибрат кўрсатган ота-оналарнинг расмлари қўйилган стенд тайёрлаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Мактаб биносининг ҳар қайси қавати қуйи, ўрта ва юқори синфлардаги ўқувчиларнинг ёшларига мос қилиб безаш маъқул. Юқори синф ўқувчиларининг бадий ижод соҳасидаги иш доираси кенгайиб боради. Улар мактаб учун наққошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, мазоика, мисгарлик ва ҳокозолар бўйича ҳар қил ишларни бажариб декоратив-амалий санъатнинг қийинрок ва мураккаброқ турларини ўзлаштириб борадилар. Турли муаммоларга доир мунозаралар, адабий кечалар, умуммактаб байрамларини ўтказиш, кўрғазмаларни тайёрлаш, деворий газеталар чиқариш ва бадий безаш ишларини амалга ошириш юқори синф ўқувчиларидан дидлилиқ, ихтирочилиқ ва билимдонликни талаб қилади.

Мактабдаги бадий безаш ишлари юқори синф ўқувчилари билан олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишнинг энг муҳим мақсадларини амалга оширишга, яъни ўғил ва қизларда ижтимоий активликни, онгни, интизомни, маданий хулқ-атворни таркиб топтиришга ва эстетик билимлар доирасини кенгайтиришга, бадий қобилиятни ўстиришга хизмат қилиш керак. Ҳар қандай методик вазифа сингари мактабдаги бадий безаш ишлари ҳам профессионал аниқликка ва ижодий ёндошишга асосланиши керак. Профессионал аниқлик ўқувчининг бадий изланишини тўғри ва конструктив йўналишга солса, ижодий ёндошиш етук бадий хулосалар чиқаришга олиб боради. Мактабдаги бадий безаш ишларини тобора такомиллаштириш эстетик тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларнинг рассом-педагог раҳбарлигида мактаб муҳитини қайта кўришни кенгайтиришда ижодий активлик кўрсатади ва янада муҳимдир.

Тасвирий санъатнинг барча турлари каби мактабдаги бадий безаш ишлари ҳам композициянинг умумий қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам бу ишлар безакчи рассомдан етарлича билим ва малакаларни талаб қилиши билан бирга доимо композиция масалаларини диққат марказида тутишни тақозо этади. Композиция лотинча «компаситие» мактабдаги бадиий безаш ишларида композициянинг асосан 3 та текис, хажмли, кенглик ва чуқурликка эга бўлган турлари мавжуд. Буларнинг барчаси у ёки бу ғояни амалга оширишда қандайдир бир умумий сифат ва белгиларга эга бўлади.

Фронтал композиция – бу иккита координаталар бўйича фронтал тасвирни ташкил этиш демакдир. Бадиий безаш санъатидаги фронтал композицияларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг юпқа юза тарзида ижро этилишидир. «Фронтал – фронтале – ясси, рўпарадаги деган сўздан келиб чиқган».

Горизантал композиция – бунда композиция элементларини горизантал юзага жойлаштиришдир. Масалан: дала, шаҳар панорамаси ва бошқалар. Вертикал композиция актив динамик композиция бўлиб, юқорига ўсиш, парвоз тасаввурини ҳосил қилади, унинг деталлари асосан тик чизик бўйича жойлашади. Композицияларнинг гармоник яхлитлигида ранглар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ранг асосий роль ўйнайдиган мазоик пано витражларда композицион гармонияга жиддий қараш лозим. Шундагина асарнинг ранг-баранг бирлиги эстетик таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири бўлади.

Назорат топшириқлари

2.2.1. Тўқиш, тузиш, жойлаштириш, алоҳида қисмларни бутун қилиб бирлаштиришни англатадиган сўзни топинг?

- А) эстетика.
- Б) композиция.
- В) фронтал композиция.
- Г) горизантал композиция.

2.2.2. Фронтал композиция французча сўздан келиб чиққан бўлиб, қайси маънони англатади?

- А) қия-тўғридаги.
- Б) тўғридаги.
- В) ясси-рўпарадаги.
- Г) тик-рўпарадаги.

2.2.3. Мактабдаги бадиий безаш ишларида композициянинг нечта турлари мавжуд?

- А) кенглик, нотекслик, чуқурлик.
- Б) текис, нотекис, кенглик.
- В) текис, хажмли, кенглик ва чуқурлик.
- Г) хажмли, кенглик, чуқурлик.

2.2.4. Вертикал композиция деталлари қандай жойлашади?

- А) етук чизик бўйича.
- Б) қия чизик бўйича.
- В) _тик чизик бўйича.
- Г) А ва Б

2-асосий масаланинг баёни

Мактабдаги бадиий безаш ишларига қўйиладиган эстетик талаблар ортиб бораётган ҳозирги кунда ана шу ишларнинг асосий элементларидан бири шрифт санъати юқори бадиий сифат даражасига кўтарилиши лозим.

Биз ҳарфлар воситасида ўз фикримизни ифодалаймиз ва ўзгалар фикрини уқиб оламиз. Булар эълон, чақириқ, деворий газета ва бошқа кўргазмали агитация воситаларида бўлади. Бу тадибирларни амалга оширадиган ёки уларга бевосита раҳбарлик қиладиган шахс шрифт назариясини ва ёзиш малакаларини эгаллаган бўлиши керак. Шрифтнинг жуда кўп турлари мавжуд. Фикримизнинг далили сифатида исталган газетани олиб қарасак, ундаги сарлавҳалар турли ҳилдаги шрифтлардан иборат эканлигини кўрамиз. Сўзнинг график

ифодалилигича шрифтнинг образлиги шрифт композициясининг ритмик тузилиши ва яхлитлиги билан эришилади. Шрифт кўргазмали анотациянинг барча воситалари орқали ўтади ва у мавзуга боғлиқ ҳолда кайфиятни, жўшқинлик, хис-туйғуларни ва осайишта эслатишни, лирика, юмор, сатира ва хоказоларни аниқ ифодалайдиган тасвирга эга бўлиши керак. Кенг учли асбоблар билан ёзиш ва чизиш техникасини пухта ўрганиш, энг яхши шрифт наъмуналарини бемалол бажара олиш кишининг шрифт соҳасидаги бадиий билим савиясини оширади. Агар журнал ва бошқа нашр маҳсулотларини варақласак, улардаги шрифтлар яна ҳам ранг-баранглигини кўрамиз. Шрифт асосан стиллари ва гарнитураларининг ранг-баранглиги инсоният тараққиётининг узок ва мураккаб босқичи давомида юзага келган. Жаҳон ёзуви тарихи асосан 4 га бўлинади:

1. Пикрографик (сурат кўринишдаги) шрифтлар – дастлабки одамлар қояларга сурат шаклида туширган ёзувлар.
2. Идеографик (пероглиф тарзда) – эрамизнинг дастлабки пайтлардаги ва савдо алоқалари ўрнатилган давлатлар (Миср, Хитой) ёзувлари.
3. Бугинли (бир ёзув белгиси - бугин) – Хиндистондаги айрим халқларнинг ёзуви, Японияда бу ёзув тури Хитойнинг пероглиф тарзидаги ёзуви билан бирга қўлланган.
4. Харфий – товушли (фонематик) – тилларнинг фонематик составини акс эттирувчи ёзув.

Харфлар ва ёзувлар доимий такомиллашиб борган бу жараён босқичда ҳам давом этмокда. Мактабдаги бадиий безаш ишларида кўпроқ плакат шрифти қўлланилади. Улардан чакириқлар ёзишда, кўргазмали агитацияларда, деворий газеталарда ва эълонлар ёзишда фойдаланилади. Плакат шрифтларнинг афзалликлари шундаки, уларни ёзиш айтарли қийинчилик туғдирмайди. Шрифт белгилаш содда ва тушунарли бўлгани учун улардан тузилган текстлар тез ва осон ўқилади.

Назорат топшириқлари

2.2.1. Тўқиш, тузиш, жойлаштириш, алоҳида қисмларни бутун қилиб бирлаштиришни англатадиган сўзни топинг?

- А) эстетика.
- Б) композиция.
- В) фронтал композиция.
- Г) горизантал композиция.

2.2.2. Фронтал композиция французча сўздан келиб чиқган бўлиб, қайси маънони англатади?

- А) қия-тўғридаги.
- Б) тўғридаги.
- В) ясси-рўпарадаги.
- Г) тик-рўпарадаги.

2.2.3. Мактабдаги бадиий безаш ишларида композициянинг нечта турлари мавжуд?

- А) кенглик, нотекслик, чуқурлик.
- Б) текис, нотекис, кенглик.
- В) текис, хажмли, кенглик ва чуқурлик.
- Г) хажмли, кенглик, чуқурлик.

2.2.4. Вертикал композиция деталлари қандай жойлашади?

- А) етук чизик бўйича.
- Б) қия чизик бўйича.
- В) _тик чизик бўйича.
- Г) А ва Б

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ф. Қодирхўжаев «Мактабларни бадий безаш ишлари» Т. «Ўқитувчи» 1994.
2. Зуев Д. «Художественное оформление школ» М. 1970.
3. Старшнов В. «Оформление школьного интерьера» М. 1966.
4. Смирнов С.И. «Шрифт и шрифтовой плакат» М. 1978

Мавзу № 2 МАКТАБДА БАДИЙ БЕЗАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ

Ажратилган соат – 4 соат
Машғулоти тури - маъруза

Асосий масалалар.

1. Мактабда бадий безаш ишларини ташкил қилиш .
2. Декоратив-амалий санъатининг мактаб бадий безаш ишларидаги роли.
3. Бадий безаш ишларида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва материаллар.

Таянч тушунча ва иборалар: бадий безаш, мактаб, материал

Идентив ўқув мақсадлари

- 1.1. Мактабда бадий безаш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш ҳақида айтиб берадилар.
- 1.2. Мактабда бадий безаш ишларида декоратив-амалий санъатнинг роли ҳақида изоҳлаб берадилар.
- 1.3. Мактабда бадий безаш ишларида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ҳақида ажратиб кўрсатадилар.
- 1.4. Мактабда бадий безаш ишларида ишлатиладиган материаллар ҳақида айтиб берадилар.

1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади

Мактабда бадий безаш ишлари, уларга ишлатиладиган асбоб ва ускуналар ва материаллар ҳақида талабаларнинг билим ва кўникма ва малакаларини ҳосил қилишдан иборат бўлади.

1-асосий масаланинг баёни:

Хозир мактабларда амалга ошириладиган бадий безаш ишларини янада такомиллаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бу ишларнинг барчаси мактабдаги таълим-тарбия ишларига ижобий таъсир этади.

Таниқли педагоглар эстетик дид билан безатилган ташқи муҳитнинг ўқувчиларга тарбиявий таъсирини ифодалаб, унинг бутун таълим-тарбиявий жараёнининг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблайди. Шунинг учун мактабда амалга ошириладиган бадий безаш ишларига тарбиявий тадбирларнинг ажралмас қисми деб қаралиши лозим. Мактабдаги мавжуд бадий безаш элементлари декоратив панно, синф хоналаридаги мебелларнинг шакллари, доска ва деворларининг ранги, буларнинг пировард натижада болалар психологияси маълум даражада таъсир кўрсатади. Қуйида мактаб деворларини бўяшнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Мактаб деворларини бўяш ранглари турли ёшдаги ўқувчиларга турлича таъсир этишини ҳисобга олиб амалга оширилади. Кўп ҳолларда ана шу таъсирни билмайдиган кишилар томонидан мактаб деворларини бўяшда айрим камчиликларга йўл қўйилади. Бу иш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларда мактаб бадий ва тасвирий санъат ўқитувчисининг иштирок этиши масадга мувофиқдир. Мактаб деворларини бўяшда

рангларни ўз ўрнида қўллаш уларнинг психологик таъсирига алоҳида эътибор бериш лозим.

Рангларнинг ўз ўрнида қўлланиши пировард натижада мактабдаги таълим-тарбия ишлари сифатини оширишга қаратилган бўлса, психологик таъсирчанлик ҳам синфда ўқувчи шу маиший ва маънавий қулайлик ярата олиши керак.

Мактаб деворларини бўяш билан табиий ёруғлик тушушини ҳисобга олиш бирига узвий боғлиқдир. Шимол, шимоли-шарқ, шимоли-жануб томонларида деразаси бор хоналарга қуёш нурининг бевосита тушмай осмоннинг кўкимтир туси тушади. Бундай хоналарни янада ёруғ ва қувончли қилиш учун илиқ ранглар гаммасига бўяш тавсия этилади. Жануби-шарқ, жануби-ғарб томонларида деразаси бўлган хоналарга кун бўйи қуёшнинг иссиқ нури тушиб туради. Шунинг учун бундай хоналарнинг деворларини совуқ гаммадаги ранглар билан бўяш мақсадга мувофиқдир. Мактаб коридорларини кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун мўлжалланган хоналарни турли рангларга бўяш мумкин. Бу ёшдаги ўқувчиларнинг кузи табиатдаги рангларнинг хилма-хиллигига ўрганган бўлиб, улар зерикарли рангларга бўялган хонада дарров толиқиб қоладилар. Бундан ташқари деворларни хаддан зиёд ранг-баранг қилиб бўяш ҳам ярашмайди. Болаларнинг асаб системаси рангларга нисбатан ўта сезувчан хусусиятга эга бўлиб, бундай хоналарда узок вақт бўлиши уларнинг чарчаши ва кайфиятлари бузилишига олиб келиши мумкин. Бу ҳол ўқувчиларнинг ишлари ва ўқишларига маълум даражада салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мактаб синф хоналарининг деворини бўяш жуда маъсулиятли ишдир. Кўшимча рангларни қўллашда, яъни ранг гаммаси контрастини тузишда уларнинг эркинлигини жуда кучли қилиб олиш ярамайди, чунки бу ҳол ўқувчилар психикасига қўзғовчи таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ранглар зерикарли бўлмасликни рангларнинг тўйинганлик даражаси ҳам бир хил бўлмаслиги керак. Рангларнинг бирига босикрок хотиржам, яъни нейтрал бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шуни ёдда тутиш лозимки, ранглар спектридаги сарғиш-яшил ранг кўзни камроқ чарчатади. Бу ранглар асаб системасига нисбатан камроқ салбий таъсир этиб, томирларига нормал қон тўпланишни таъминлайди, эшитиш қобилятини активлаштиради. Шундай экан, синф хоналари деворларини ранглар спектридаги сарғиш-яшил ранг ва ундан келиб чиқувчи рангларга бўяш тавсия этилади.

Синфларнинг умумий ранги оч, хотиржам бўлганда хоналарнинг ёритилганлик даражаси ортади. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг кўзига доимий ташланиб турувчи деворлар синф доскаси ўрнатилган девор, ён девор ҳам унча тўқ бўлмаган рангларга бўялади. Хозир кўп мактаблардаги синф хоналарининг орқа деворига кўрсатмали ва ўқув қуролларини сақлаш учун шкафлар ясалади. Ўқувчилар синф хонасига кириб келганда уларнинг кўзи дастлаб ўша деворга тушади. Шунинг учун бу шкафлар ўқувчиларни завқлантирувчи рангга бўялади.

Харакатли дам олиш учун мўлжалланган хона ва коридорлар бироқ тўйинганроқ рангларга бўялади. Ўқувчилар дам оладиган хоналарни эса шинам оч рангларга бўяш тавсия этилади. Бу жойлар яшил бурчакларни ташкил этувчи декоратив ўсимликлар қўйиш учун энг қулайдир.

Назорат топшириқлари.

1.1. Мактаб деворларини бўяш қандай рангларни тавсия қилиш мумкин?

- А) Очроқ
- Б) Тўқроқ
- В) Қорамтир
- Г) Совуқ

1.2. Ранглар спектридаги қайси ранг кўзни камроқ чарчатади, асаб системасига камроқ таъсир қилади.

- А) қизғиш-яшил.
- Б) сарғиш-яшил.

В) оқиш-яшил.

Г) тўқ-яшил рангларнинг ўз ўрнида қўлланилиш мактабдаги таълим-тарбия ишлари сифатига таъсири ҳақида айтиб беринг.

1.1.3. Безашда декоратив ўсимликлар нима деб аталади?

А) Гирих

Б) Новшадил

В) Ислими

Г) Кўкат

2-асосий масаланинг баёни

1. Декоратив амалий санъат кенг микёсда ривожланаётган санъатимизнинг халқ амалий ижоди турларидан биридир. Унда кишининг ҳақиқий санъатига эстетик муносабати яққол намоён бўлади. Халқ амалий санъатининг бу тури хайкалтарошлик, рангасвир, архетектура, ракс ва мусиқа билан ҳамохангдир.

Декоратив санъатнинг ўзига хос эстетик жихатларини тушуниш учун унинг мавзуси, мазмуни, асардаги типлар бадиий техника воситалари диапозонининг одатдан ташқари катта миқёсини назарда тутиб қараш керак. Бу бадиий безак ўймакорлиги монументал станокли, предметли-миқёс ва турли халқларнинг миллий кийимлари, сўзаналари, тақинчоқлари ва истироҳат боғлари санъати, деворлардаги монументал декоратив расмлар, витрина, деворий газета, табрикномаларнинг безаклари ҳамда мебель буюмларидан ўймакорлик ва хоқозолардир. Шакллари бир-бирига ўхшаган бу асарларнинг ўзаро бириктириб турган жихати уларнинг асосий вазифаси функцияси инсонни қўшаб турган муҳитни нафосат воситасида безашдан иборатлигидир.

Мактабдаги бадиий безаш ишларида декоратив-амалий санъат элементларини қўллашда асосан қуйидагиларни назарда тутиш шарт:

- қўлланаётган декоратив-амалий санъат намунаси мактаб интерьерлари характерига мос бўлиши керак.
- Синф хонасининг вазифасини, унда шуғулланадиган ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва идрок этиши қобилиятларини ҳисобга олиб декоратив-амалий санъатга дифференциал ендошиши лозим (масалан, кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар шуғулланадиган рекреацияларда табиатга, ўрта ёшдаги ўқувчилар шуғулланадиган рекреацияларда юқори синф ўқувчилари шуғулланадиган спортга, меҳнатга бағишланган декоратив паннолар ўрнатилиши уларга маълум даражада таълимий ва тарбиявий таъсир кўрсатади)
- Мактабдаги бадиий безаш ишларида қўлланилаётган декоратив-амалий санъат элементлари мавсумий, яъни вақти-вақти билан алмаштириб туриладиган элементлар билан мос бўлиши зарур:
- Мактабда бадиий безаш ишларида қўлланаётган декоратив-амалий санъат элементлари тасвирий санъатнинг бошқа турлари билан узвий боғланиши керак (рангасвир, хайкалтарошлик, графика ва архитектура мактаб интерьерини безашда бир-бирига гармоник боғланмаса хал қилувчи омил бўла олмайди.)

Мактабларни бадиий безашда декоратив амалий санъат турларидан наққошлик кўпроқ учрайди. Наққошлик ишида етакчилик ролини ўйновчи мустақил вазифага эга эмас, у фақат бадиий безаш ишларининг бадиий сифатини бойитадиган омил бўлиб хизмат қилиши лозим.

Мактаб бадиий безаш ишларида қўлланадиган наққошлик санъати ҳам таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Унда иштирок этадиган элементар табиат неъматлари (пахта, барг, гул, ғунча, анор, бодом, нок, олма, лола, куртак ва хоқозолар)нинг формасидир. Бир қарашда декоратив-амалий санъатнинг алоҳида эмасдек туюлсада ўзининг амалий ишда тутган ўрни ва бадиий хусусиятлари билан бевосита декоратив-амалий санъат ҳисобланадиган шундай замонавий турлари ҳам мавжудки, уларсиз мактаб интерьерини

тасаввур қилиш қийин. Мисол учун материалларга бадий ишлов бериш, пайвандлаш, букиш, чеканка қилиш, қирқиш, бўяш ва локлаш орқали улардан мактаб интерьерининг турли бурчакларида турадиган гулларга таглик ва деразаларга панжара тусик, ёритгич ва бошқа безаклар ясаш мумкин.

Бундан ташқари мактабда бадий безаш ишларида керамикадан ҳам кенг фойдаланилади. Декоратив лаганлар турли паннолар, рельефлар, гултуваклар, вазалар ва хокозолар энг аввало ўқувчиларнинг эстетик тарбиясини такомиллаштиришда катта ёрдам беради.

Назорат топшириқлари

2.1. Наққошликда ишлатиладиган қуроллар ҳақида гапиринг.

- А) Қоғоз, мўйқалам, ранг
- Б) Стек, лой, масхитин
- В) Циркул, керамика, мих
- Г) Қалам, стек, пластилин

2.2. Интерьер нима?

- А) Ички кўриниш
- Б) Ташқи кўриниш
- С) Фасад
- Г) Мухит

3 – асосий масаланинг баёни

Мактабларни бадий безаш ишларида тасвирий

санъатнинг кўп турлари жумладан, графика ва чизмачилик машғулотида кенг фойдаланиладиган «Конструктор» қаламлари ишлатилади. Бу қаламларнинг юмшоқлиги ва ҳар хил турлари қўлланилади.

Мактабларни бадий безаш ишларининг деярли кўп қисми эълонлар, деворий фотогазеталар ва бошқалар қоғозга ишланади. Мактабларни бадий безаш ишларида қоғознинг В, Ф, А, О турлари қўлланади. В-юқори сифатли қоғоз бўлиб, унга узоқ муддат сақланидиган ишлар бажарилади. (масалан бадий курғазма ишлари)

Ф – тушъ, гуашъ билан ишлашга мўлжалланган қоғоз.

А – сув бўёқлари билан ишлашга мўлжалланган қоғоз.

О – оммавий ишлар учун тайёрланган қоғоз.

Бу қоғозлар ГОСТ 596–56 га мувофиқ ишлаб чиқарилади. Мактабларда эълонлар, чакмоқлар ва хокозоларни ёзишда махсус папкага солинган 12-форматдаги акварель, чизмачилик ва расм чизишга мўлжалланган қоғозлардан ҳам фойдаланиш мумкин..

Мактабларни бадий безаш ишларида ўчиргичнинг 2 хили ишлатилади. Юмшоқ ўчиргичлар графит қалам билан чизилган чизикларни, қаттиқ ўчиргичлар эса тушъ ҳамда сиёҳ билан ёзилган ёки чизилган ёзув ва чизикларни ўчиришга мўлжалланган. Қаттиқ ўчиргич майдаланган шиша кукунига, юмшоқ ўчиргич эса майдаланган мармар кукунига фактис суюқлиги аралаштирилиб тайерланади. Ўчиргичлар кераксиз чизикларни яхши ўчириши, юмшоқ бўлиши учун 1-2 сутка бензинга ёки 3-4 сутка керосинга солиб қўйиш керак. Ўчиргичлар айтиб ўтилган муддатда юмшоқ ҳолатга келади.

Мактабларни бадий безаш ишларида турли перьолар ишлатилади. Уларни энг куп ишлатиладигани плакат перьоси бўлиб, у комплект ҳолда сотилади. Бир комплектда № 1 – 8 гача перьо мавжуд бўлиб. Улар чизиклари турли йўғонликдаги харфларни ёзиш учун имкон беради. Уларни ишлатиб бўлгандан кейин албатта сувда чайиб латта билан артиб қўйиш керак. Мактабларни бадий безаш ишларида унча катта бўлмаган ёзув ва текстларда, айниқса кичик, ўлчам харфлар билан ёзиладиган ёзувларда «Редис» перьоларидан фойдаланилади. Бу перьолар ҳам комплектлаштирилган ҳолда, коғоз кутичада 0,7: 1,5: 3 номерларда бўлади. Ундан ташқари турли қаттиқ дарахтлар (тут, беҳи, урик, кайрағоч)нинг қуруқ шохчаларидан олиб, бир томонини яссилаб керакли ўлчамда тайёрлаб, плакат перо ўрнида ишлатиш мумкин. Уни ишлатишдан олдин бир

неча дақиқа тушга солиб қўйилади. Чунки у етарли миқдордаги тушни ўзига сингдириб олиши керак.

Мактабларни бадиий безаш ишларида тушлардан ўринли фойдаланиш лозим. Улар асосан бинолар, хоналардаги шрифтли ишларга мўлжалланган вазифаларни бажаришда қўлланилади. Тушлар турли хил кўринишда ишлаб чиқилади. Тахтача ёки қаламча шаклидаги қаттиқ ва шиша идишчаларга қуйилган суюқ тушлар, ювилмайдиган туш ва қуюқ тушлар акварель бўёқлар каби эритиб ишлатилади. Тушларни (қора тушни) кўмир қуруми, спирт эритмаси глецирин, қанд, тропик ўсимлиги смоласидан тайерланган модда) ва антисентик моддалар аралашмасидан тайёрланади. Қора тушлар суюқ ҳолатда ва қаламча ҳамда тахтача шаклида (қаттиқ ҳолатда) бўлиши мумкин. Рангли тушлар асосан кизил, яшил, кўк, сариқ, жигарранг бўлиб улар суюқ ҳолатда шиша идишларда ва паста шаклида бўлиши мумкин. Суюқ тушлар билан мактабларни бадиий безаш ишларидаги катта ёзувларни ёзиш тавсия этилмайди. Чунки бундай ёзувлардаги ҳарфларни ёзганда туш тўпланиб қолган жойларнинг бошқа жойларига нисбатан анча тўқ бўлиб қолади. Шунингдек, гуашь билан ёзиш ярамайди. Чунки, туш коғозга синга олмай ёрилиб, кейин эса кўчиб кетади. Коғозга туш билан ёзилган ҳарфлар қуригандан кейин ёрилиб кетса, демак туш қуюлиб қолган. Уни суюқлаштириш учун бир неча томчи сув қуйиш мумкин. Агар суюлтирилган туш коғозга ёйилиб кетса, унга бироз шакар ёки глецирин қуйиш керак.

Мактабларни бадиий безаш ишларида энг кўп ишлатиладиган материаллар ҳар хил рангли сув ва мойли бўёқлардир. Масалан, акварель, мойли бўёқ, гуашь ва хоқозолар. Мактабларни бадиий безаш ишларидаги ёзувлар сифатли ва бир хил чиқиши учун трафаретлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Трафарет целлулоид ва тагидаги ҳарф тушуриш учун белгиланган чизиклар кўриниб турадиган турли шаффоф пластинкалардан тайёрланади. Мактабларни бадиий безаш ишларида фойдаланиладиган ҳажмли ҳарфларни тайерлаш учун пенопласт жуда қулайдир. Одатда пенопластдан турли ўлчамдаги ҳарфлар тайерланади. Пенопластдан ҳарфлар тайерлаш учун электр дазмол ёки электр плита спиралидан ясалган қурилмадан фойдаланилади. Бундай электр камайтиргич орқали ток ўтказилган спираль сими қизиқ пенопластни эритиб қирқади.

Назорат топшириқлари.

3.3.1. Мактабларни бадиий безаш ишларида коғознинг қандай турлари қўлланилади?

- А) О, Б, Ф, К.
- Б) В, Ф, А, О.
- В) К, Ф, А, О.
- Г) О, В, К, Д.

3.3.2. Коғозларнинг қайсисига узок муддат сақланадиган ишлар бажарилади?

- А) О
- Б) В.
- В) А.
- Г) Ф.

3.3.3. Туш ва гуашь билан ишлашга мўлжалланган коғоз ҳарфини топинг?

- А) О.
- Б) А.
- В) Ф.
- Г) В.

3.3.4. Мактабларни бадиий безаш ишларида ёзиладиган ёзувларни қандай перьода ёзилади?

- А) плакат перьоси.
- Б) «Редис» перьоси.
- В) маҳсус перьо.
- Г) ясама перьо.

3.3.5. Мактабларни бадий безаш ишларида ёзиладиган бўёқларни номи.

А) мой бўёқ, гуашь.

Б) тушь, гуашь.

В) акварель, тушь.

Г) акварель, темпера.

3.3.6. Тушь, гуашьлар ёзишдан олдин нима билан эритилади?

А) Экипидар.

Б) бензин.

В) глицерин.

Г) сув.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ф. Қодирхўжаев «Мактабларни бадий безаш ишлари» Т. «Ўқитувчи» 1994.
2. Зуев Д. «Художественное оформление школ» М. 1970.
3. Старшнов. В. «Оформление школьного интерьера» М. 1966.
4. Смирнов С.И. «Шрифт и шрифтовой плакат» М. 1978.

МУНДАРИЖА

Сўз боши,,,,,,,,,,,,,,3

Мақтабда бадий безаш ишларини мақсад ва вазифалари,,,,,,,,,,,10

Мақтабдаги бадий безаш ишларини ташкил этиш ва
амалга ошириш,,,,,,,,,,,,,,14